

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

ОТЕУЛИЕВ ЖАКСИЛИК БЕГДУЛЛАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ
ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ
ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Отеулиев Жаксилек Бегдуллаевич

Қарақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитида ғўза
навларининг мақбул суғориш тартибини ишлаб чиқиш..... 3

Отеулиев Жаксилек Бегдуллаевич

Разработка оптимальных режимов орошения сортов хлопчатника в
почвенно-климатических условиях Республики Каракалпакстан..... 21

Oteuliev Jaksilik Begdullaevich

Development of optimal irrigation regimes for cotton varieties in soil and
climatic conditions of the Republic of Karakalpakstan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ НУКУС ФИЛИАЛИ

ОТЕУЛИЕВ ЖАКСИЛИК БЕГДУЛЛАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ
ШАРОИТИДА ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ
ТАРТИБИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2PhD/Qx692 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалида (ТошДАУНФ) бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.psueaiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мамбетназаров Бисенбай Сатназарович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, академик.

Расмий оппонентлар: **Хамидов Муҳаммадхон Хамидович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Дурдиев Нормат Ҳасанович
қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори,
катта илмий ходим


Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат аграр университети**


Диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва стиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг «24» 12 2021 йил соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПITI кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru;


Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПITI кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2021 йил «9» 12 да тарқатилди.
(2021 йил «9» 12 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Н.Нурматов,**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

**Ф.М.Хасанова,**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор.

**Ж.Х.Ахмедов,**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунёда сувдан оқилона фойдаланиш ва унинг қишлоқ хўжалигига боғлиқлигини ўрганиши бўйича бир қатор Исроил, Сингапур, Нидерландия ва Испания давлатларини киритиш мумкин. Масалан, Исроил давлатида сувдан қайта фойдаланиш 87% ни ташкил этиб, қайта фойдаланилаётган сувнинг қарийб 90 фоизи қишлоқ хўжалигига йўналтирилади ва чўл худудларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиб келинмоқда. Қолаверса ер шарининг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлсада, унинг 97,5 фоизи шўр сувлар бўлиб, ишлатишга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизи чучук сув ресурсларини ташкил этиб, унинг 79 фоизи абадий музликлар, 20 фоизи ер ости сувлари, 1 фоизи эса, дарё ва кўллар ҳиссасига тўғри келади»¹. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътибор қаратилиб, бу бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир давлатда етиштириладиган экин тури, тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, суғориш тартибларини такомиллаштириш бўйича бир қатор ютуқларга эришилмоқда. Дунё олимларининг таҳлилларига кўра, ғўза экинининг кўчат қалинлигини инобатга олган ҳолда суғориш тартибларини белгилаш, тупроқнинг механик таркибига кўра томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш ишларини бажариш ва анъанавий усулда суғориш тартибини тупроқнинг механик таркибига кўра, худудлар кесимида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда суғориладиган ерларда, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ғўзанинг ҳосилдорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида, уларни озиқ-овқат ва кийим-кечак маҳсулотлари билан таъминланлашда тупроқ-иқлим шароитларига мос ғўзанинг ўрта толали “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” навларидан эртаки, юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда бу навларнинг мақбул суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоғини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасидаги интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган². Бугунги кунда кластер тизимидаги фермер хўжалиқларининг сувга бўлган талабини қаноатлантиришга ва таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан Қорақалпоғистон худудида

¹ <https://waterfm.com/what-a-successful-national-water-strategy-looks-like-why-it-matters/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли фармони

экологик-тупроқ-иқлим шароитининг ўзгариши сув танқислигининг пайдо бўлиши ва экилаётган истикболли ғўза навларининг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор бериб суғориш тизимини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5742-сон 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-4912-сон 2020 йил 5 декабрдаги “Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот ишлари республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ғўза навларининг турли тежамкор суғориш тартиблари, усуллари ва етиштириш технологияларини иқлим шароитига, тупроқнинг сув-физик хоссаларига, озуқа тартибига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича С.Н.Рыжов, В.В.Егоров, Н.Ф.Беспалов, Ф.М.Рахимбоев, Қ.М.Мирзажонов, А.Э.Авлиякулов, Б.С.Мамбетназаров, Ш.Нурматов, Н.М.Ибрагимов, М.Х.Хамидов, У.Норқулов, А.С.Шамсиев, С.Х.Исаев, М.А.Авлиякулов, М.М.Хасанов, Т.Я.Ражабов, Н.Ҳ.Дурдиев ва хорижда M.Raev, Allan Fulton, M.J.Brown, Li Sin-cai Sun, D.Molden, Robert Joseph Lascano ва бошқалар томонидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Кейинги йилларда Қорақалпоғистон худудининг экологик шароитига боғлиқ ҳолда янги ғўза навлари тавсия этилиб, кенг майдонга жорий қилинмокда. Тупроқ-иқлим шароитининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда ғўза навларининг суғориш тизимини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХ-А-ҚХ-2018-148-«Республикаимизнинг жанубий, марказий ва шимолий худудларида ўрта-ингичка толали уруғлик ғўза навларини сув-озика NPK меъёр-нисбатларини ишлаб чиқиш, суғориш муддатларини тезкор усулда аниқлаш ҳамда сув истеъмолини янги электрон кўл рефрактометри ва веттинг фронт детектор асбоблари ёрдамида мақбуллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади. Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва

жанубий хуудларида кескин иқлим ўзгариши шароитини инобатга олган ҳолда ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитига мос “Чимбой-5018” ва “Султон” ғўза навларидан юқори ва сифатли ҳосил олишда суғориш тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистон Республикаси шимолий ва жанубий хуудларнинг ўзига хос тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ғўзанинг суғориш тизимига боғлиқ ҳолда тупроқнинг механик таркибини ва унинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларининг ўзгаришини аниқлаш;

суғориладиган тупроқларнинг экологик ҳолатига ва иқлим шароитига мос келадиган ғўза навларининг мақбул суғориш муддати, меъёрлари ва тизимини ишлаб чиқилган;

тупроқнинг механик таркибига боғлиқ ҳолда ғўза навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичларига суғориш тартиблари таъсирини аниқлаш;

ўрганилган ғўза навларининг бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув сарфини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси турли тупроқ-иқлим шароитларида парваришланган ғўза навларини суғориш тизимининг иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикаси шимолий ва жанубий хуудларининг шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари, ғўзанинг “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” навлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Ўрта толали IV-V типга мансуб янги, истиқболли ғўза навларининг суғориш тизимлари, кўчат қалинлиги, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ҳамда толанинг сифат кўрсаткичларини таъминлайдиган суғориш тартиби тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Лаборатория ва дала тадқиқотлари тасдиқланган услублар бўйича амалга оширилди. Тажрибаларни ўтказиш, фенологик кузатиш, биометрик ўлчамлар ҳамда уларнинг таҳлиллари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПТИ, Тошкент, 2007 йил). Тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва сув-туз хоссалари «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах» услублари асосида ўтказилиб, пахта ҳосили бўйича олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилигини билиш учун Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва жанубий тупроқ-иқлим шароитларида “Чимбой-5018” ва “Султон” навларининг суғориш тизими иқлим ўзгариши ҳамда тупроқ механик таркибига боғлиқ ҳолда такомиллаштирилган;

глобал иқлим ўзгариши шароитида ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва шўрланиш ҳолатига кўра “Чимбой-5018” ва “Султон” ғўза навларининг сувга бўлган талаби аниқланган;

ғўзанинг биологик хусусияти, тупроқлар механик таркибига боғлиқ ҳолда

“Чимбой-5018” ва “Султон” ғўза навларининг ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % тупроқ намлигида шимолий худудда 1-3-0 тизимда, жанубий худудда эса 1-4-0 тизимда суғориш мақбул эканлиги аниқланган;

Республиканинг шимолий, жанубий худудлари тупроқ механик таркибига боғлиқ равишда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% ва 80-80-60% намликда суғориш меъёрларини тупроқ шўрланишига таъсири аниқланган;

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва жанубий худудларида “Чимбой-5018” ва “Султон” ғўза навларини мақбул суғориш тизимларини ўсимликнинг ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги, бир дона кўсақдаги пахта вазни, 1000 дона чигит вазни, бир центнер ҳосилга сарфланган сув сарфи, толанинг сифатига таъсири аниқланган ҳамда иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий худудда фойдали ҳарорат йиғиндиси 2154-2216 °С булиб, бу эса иккиламчи шўрланишга мойил тупроқларда тупроқ сув эритмаси концентрациясини пасайтириш учун суғоришни тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % да ўтказилганда ғўзанинг “С-4727”, “Чимбой-5018”, “Султон” навларида суғориш меъёрлари 600-891 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 2638-3015 м³/га ни, суғориш тизими эса 1-3-0 ни ташкил этди. Фойдали ҳарорат йиғиндиси жанубий худудда эса 2613-2672 °С ни ташкил этиб, шўр тупроқларда ғўза навларини 1-4-0 тизимида суғоришни ўтказилди. Бир марталик ва мавсумий суғориш меъёри “С-4727” ғўза навида 670-793; 3447-3680 м³/га ни, “Чимбой-5018” ғўза навида 680-890; 3845-3930 м³/га ни ва “Султон” ғўза навида суғориш меъёри 640-750 м³/га, мавсумий суғориш меъёри 3350-3500 м³/га ни ташкил қилди. Мақбул суғориш тартибида бир центнер пахтага сарфланган сув миқдори шимолий худудда “С-4727” навида 107,7 м³, жанубий худудда 123,1 м³, “Чимбой 5018” ғўза навида 97,3; 125,5 м³ ва энг паст кўрсаткич “Султон” ғўза навида 90,6; 104,9 м³ ни ташкил этганлиги аниқланган.

“С-4727” ғўза навини шимолий худуднинг шўр тупроқларида мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60% да суғорилганда, пахта ҳосили 26,8-27,9 ц/га ни ва ундан олинган рентабеллик даражаси 27,2-31,1 % ни ташкил этди. “Чимбой-5018” ғўза навида мақбул суғориш тартибида пахта ҳосили 29,7-30,3 ц/га ни, рентабеллик даражаси 35,9-37,0 % ни ташкил этган бўлса, ўртапишар “Султон” ғўза навида пахта ҳосили 29,4-33,1 ц/га ни, рентабеллик даражаси 37,9-44,5 % ни, жанубий худудда бу кўрсаткичлар “С-4727” ғўза навида 27,4-30,9 ц/га; 25,4-36,7 % ни, “Чимбой-5018” ғўза навида 30,2-31,6 ц/га; 36,6-38,2 % ни, “Султон” ғўза навида 32,5-33,0 ц/га; 43,7-45,5 % га тенг бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва дала тажрибаларининг тасдиқланган усулда ўтказилганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳолангани, назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мос келиши, ҳосилдорликлар математик-статистик ишлов бериш услублари ёрдамида олиб борилганлиги, ғўза навларининг

суғориш тизими тупроқ-иқлим шароитига мос равишда кенг жорий этилганлиги, Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама этилганлиги ишончилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва жанубий ҳудудлардаги тупроқ-иқлим шароитида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий, сув-туз хоссалари бўйича олинган маълумотлар ғўза навларининг суғориш муддати, сони, даврий ва мавсумий меъёрлари бўйича илмий маълумотлар олинганлиги ҳамда пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув миқдори, сув истеъмоли илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фермер хўжаликларида ғўза навларининг суғориш тизими ва сувдан фойдаланиш тизимини таққослашда янги ва мавжуд умумий суғориш меъёрларининг ўзгаришлари аниқланганлиги, тупроқ-иқлим шароитини ҳамда ғўза навларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишда истиқболли тавсия дастурлари ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Қорақалпоғистоннинг суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг механик таркибига ва иқлим шароитини ҳамда ғўза навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақбул суғориш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борган тадқиқотлар натижалари асосида:

тупроқ механик таркиби ва ғўза навларининг биологик хусусиятига боғлиқ суғориш тартиблари бўйича «Ўза навининг биологик хусусиятига боғлиқ суғориш тизими бўйича тавсиялар» тасдиқланган (Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 13-апрелдаги 02/04-3-149-сон маълумотномаси). Тавсиянома республикада С-4727, Чимбой-5018, Султон ғўза навлари етиштирувчи фермер хўжаликлари ва агрокластерларига қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

тупроқ иқлим шароитига мослашган районлаштирилган ғўза навларининг чекланган дала нам сифмига нисбатан 80-80-60 % суғориш олди тупроқ намлигида суғоришни қўллаш технологияси шимолий ҳудудда жойлашган Чимбой туманидаги Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг тажриба хўжалигида 11,7 гектар, “Алий байланышы” фермер хўжалигида 18,5 гектар, жами 30,2 гектарга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 13-апрелдаги 02/04-3-149-сон маълумотномаси). Натижада ғўза навларининг биологик хусусиятидан келиб чиқиб, ғўза ҳосилдорлиги 2,3-2,8 ц/га ошди;

ғўза навларининг тупроқ-иқлим шароитига боғлиқ мақбул суғориш тартибларини қўллаш бўйича жанубий ҳудудда жойлашган “Тўрткўл Шахзод” фермер хўжалигида 21,3 гектар, “Тўрткўлли Кутлумурот Худайберген” фермер хўжалигида 25,7 гектар, жами 47 гектар пахта майдонларида жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 13-апрелдаги 02/04-3-149-сон маълумотномаси). Натижада, суғориш сувлари 15,3-20,1 % га тежалган ва гектаридан 32,5-36,1 ц/га пахта ҳосили олиниб,

рентабеллик 42,1-48,4 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Лаборатория, дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази (ЎҚХИИЧМ) ва Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали, Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари халқаро 3 та ва Республика 5 та илмий-амалий анжуманларда, жами 8 та маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Ўзбекистон Республикаси фани ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишига мослиги кўрсатилган. Муаммонинг ўрганганлик даражасида истиқболли ғўза навларининг суғориш тартиби етарли ўрганилмаганлиги кўрсатилган. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасанинг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги келтирилган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, олинган натижалар, унинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ва уни амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган бобида, мавзу бўйича олиб борилган маҳалий ва хорижий адабиётларда ўрганилган олимлар бўйича чоп этилган маълумотлар батафсил таҳлил қилинган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан ва вазифасидан келиб чиқиб, ғўзани суғоришнинг тупроқ-иқлим шароитларига боғлиқлиги, ғўза ҳосилдорлигини оширишда мақбул чекланган дала нам сифимининг аҳамияти, ғўза навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда суғориш тартиблари, мақбул суғориш тизими, даврий ва мавсумий суғориш меъёрларига боғлиқ ҳолда ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштириш бўйича маҳалий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бундан ташқари адабиётлар таҳлилларига асосланиб сув танқислигининг пайдо бўлиши, сув тежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарали ғўзани суғориш

тартибини ишлаб чиқиш ва фермер хўжаликларида жорий қилиш зарурияти бўйича хулоса қилинган.

Диссертациянинг **“Табиий шароитлари”** деб номланган иккинчи бобда Орол денгизининг қуриши билан маҳаллий иқлимнинг ўзгариш, суғориладиган ерларга тузли чангнинг келиб тушиш, сув ресурсларининг танқислиги, ер ости сувининг сатҳи ва минерализациясининг ўзгариши, суғориладиган майдонининг камайиши, шимолий ва жанубий худуд тупроқларининг ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги кўрсатилган. Экологик шароитнинг ўзгаришига боғлиқ ҳолда тегишли ғўза навларини танлаш ва суғориш тартибини такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услубияти”** деб номланган учинчи бобда тадқиқот олиб борилган Чимбой тумани механик таркибига бўйича ўрта ва оғир қумоқ (ҚҚДИТИ) ўтлоқи-аллювиал тупроғи, шўр ювиш билан баҳорда кучсиз ва ўрта даражада шўрланган, хлорли-сулфатли типига мансуб, ер ости сувининг минерализацияси 3,0-5,0 г/л бўлиб, 1,8-2,5 метр чуқурликда жойлашган. Тўрткўл тумани тупроғи эскидан суғорилиб келинадиган, механик таркиби бўйича ўрта ва енгил қумоқ, ер ости сувларининг минерализацияси 2,0-3,3 г/л, яъни шимолий худуга таққослаганда анча камлиги билан изоҳланади.

2018-2020 йилларги гидрометрология маълумотида кўра ҳаво ҳароратининг кўп йилликларига нисбатан 1,4⁰С юқори бўлгани, фойдали ҳароратнинг кўп йилликларга нисбатан юқори, ёғингарчилик миқдорининг эса нисбатан кам бўлганлигидан далолат беради. Мавсум давомидаги фойдали ҳарорат Чимбой туманида 2154-2216 ⁰С ва Тўрткўл туманида 2613-2672 ⁰Сга этган.

Дала тажрибалари 2018-2020 йилларда Чимбой тумани (ҚҚДИТИ) ва Тўрткўл тумани (ҚҚДИТИ Тўрткўл филиали) тажриба хўжалигининг ўтлоқи-аллювиал тупроқларда ғўза навларининг “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” навларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 ва 80-80-60 % да ўтказилди. Тажрибада бир пайкалчанинг майдони 480 м² (қатор узунлиги 100 м, эни 8 қатор) шундан ҳисобга олинган 240 м². Тажриба 4 қайтариқда бўлиб, барча вариантлар бир ярусда жойлаштирилди.

Дала тажрибаларида тупроқнинг механик таркиби Н.Г.Качинскийнинг гексометофосфат натрий билан ишлов бериш услубида, тупроқнинг макро ва микроагрегатлари Н.И.Савинов услубида, ҳажм массаси цилиндр услубида, солиштира массаси пикнометр услубида, ғоваклиги ҳисоблаш услубида, сув ўтказувчанлиги металл ҳалқа услубида, тупроқнинг намлиги термостатда кўритиш ва тарозида ўлчаш услубида аниқланди.

Тупроқ таркибидаги гумус миқдори И.В.Тюрин, умумий азот, фосфор ва калий миқдори И.М.Мальцева, Л.Н.Гриценко ва Е.А.Жариковларнинг модификацияланган услубида, азот ва фосфорнинг ҳаракатчан шакли Гранвальд-Ляжу ва Б.П.Мачигин услубида, калий П.В.Протасов услубида аниқланди.

Тупроқдаги туз таркиби мора ва алангали фотометр услубида, зарарли ва зарарсиз тузлар Н.Г.Рабочев, В.В.Егоров ва Н.Г.Минашина услубида

аникланди. Тажриба ўтказиш ва фенологик кузатувлар “Дала тажрибасини ўтказиш услублари” (2007 й.) ва “Методика агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах”, пахта ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларга Б.А.Доспеховнинг услубида ишлов берилди.

Диссертациянинг **“Тадқиқот натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг агрофизик ва сув хоссалари ҳамда агрохимёвий хоссаларининг ўзгариши, тупроқнинг иккиламчи шўрланишига суғориш тартибининг таъсири, мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ғўза навларини суғориш тартиби, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, мақбул суғориш тартибининг иқтисодий самарадорлиги, ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажрибалар бўйича маълумотлар келтирилган.

Оролбўйи тупроқларининг морфологик хусусиятларини ўрганиш натижасида ҳудуд тупроқларининг ташқи муҳити, шаклланиши ва ривожланиши ҳар-хил бўлиб, мелиоратив ва агротехник омиллари билан ўзаро чамбарчас боғлиқликда эканлиги маълум бўлди.

Тадқиқот олиб борилган майдонларда амал даври бошида ва охирида тупроқларнинг донадорлиги аниқланиб борилди.

Шимолий ва жанубий ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг макро ва микроагрегатларини аниқланганда 2018 йилда шимолий ҳудуднинг тупроқларида 0-30 см қатламида макроагрегатлар 2,98 % бўлса, жанубий ҳудуд тупроқларида 4,1 % ташкил этди. Микроагрегатлар тегишлича 97,02 ва 95,90 % бўлди.

Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, амал даври охирига келиб, макроагрегатларига (10-0,25 мм) ғўзани суғориш меъёрларининг таъсирида ғўзани 987-1133 м³/га меъёрда суғорилганда макроагрегатлар миқдори 0-30 см қатламда 2,09 % бўлса, ғўзани 653-845 м³/га меъёрда суғоришда 3,24 % ни ташкил этди.

Суғориш меъёрига боғлиқ ҳолда макроагрегатлар тегишлича 97,91 ва 96,76 % ни ташкил этди.

Шимолий ҳудудда ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг 2018 йил амал даври бошида ҳажм массаси 0-30 см қатламида 1,35 г/см³ бўлса, 0-100 см да 1,37 г/см³ ни, солиштирама вазни тегишлича 2,70 ва 2,65 г/см³ ни ташкил этган бўлса, ғоваклиги мос равишда 50,1 ва 48,2 % бўлди.

Биринчи суғоришни тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % да ўтказганимиздан кейин ҳажм массаси 0-30 см да 0,04 ва 0-100 см қатламда 0,04 г/см³ ошиб, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 80-80-60 % да суғорилганда эса мос равишда 1,37; 1,41 г/см³ ташкил этди.

Тупроқнинг солиштирама вазнида ўзгаришлар кузатилмади. Бу тартибда суғоришда тупроқ ғоваклиги 0-30 см қатламда 49,2 % ва 0-100 см да 47,2 % ни ташкил этиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % да суғоришлар ўтказилган вариантларга нисбатан 0-30 см қатламда 0,7 % га ортган бўлса, 0-100 см қатламда 0,2 % га камайиши кузатилди.

Жанубий ҳудуд тажриба даласида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра (2019 й.), ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан

80-80-60 % суғоришда тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см қатламда 1,34 г/см³ бўлиб, тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60 % суғориш олди тупроқ намлигида (назорат вариант) тупроқнинг ҳажм массаси 0-30 см 0,05 г/см³ ва 0-50 см қатламда 0,05 г/см³ га кўпайганлиги аниқланган.

Тупроқнинг ғоваклиги эса мақбул вариантда 0-30 см қатламда 51,0 % ни, 0-50 см қатламда 50,5 % ни ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан тегишлича 1,8 ва 1,8 % га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тупроқ қатламларидаги гигроскопик намлик 2,1-4,7 % бўлса, максимал гигроскопик намлик 8,3-10,5 %, ўсимликнинг сўлиш намлиги 10,1-14,5 % ва дала нам сиғимлиги 18,6-23,5 % бўлди. (Чимбой тумани дала тажрибаси тупроқлари). Тўрткўл туманидаги дала тажрибаси тупроғининг гигроскопик намлиги 1,9-2,7 %, максимал гигроскопик намлиги 8,3-10,1 %, ўсимликнинг сўлиш намлиги 9,8-12,0 % ва дала нам сиғими 18,5-20,9 % бўлди. Демак шимолий ва жанубий худуддаги ўтлоқи-аллювиал тупроқлар ўзига хос сув хусусиятларига эга эканлиги аниқланган.

Шимолий худуддаги дала тажрибаси тупроқларнинг сув ўтказувчанлигини аниқлаганимизда, амал даври бошида 578,1 м³/га, амал даври охирида вариантлар бўйича 504,1-535,5 м³/га бўлганлиги кузатилган. Жанубий худуд дала тажрибасининг тупроқларининг сув ўтказувчанлиги олти соатда 654,3 м³/га бўлган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % да суғоришни ўтказганимизда олти соатда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 526,6 м³/га бўлиб, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % да суғоришни ўтказганимизда, амал даври охирида 556 м³/га бўлиб, тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги худуд тупроқларнинг шаклланишига ва ғўзани суғориш тартибига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Сизот сувларининг тупроқнинг капилляр найчалари ёрдамида кўтарилишини кузатганимизда, ғўзанинг илдизи ривожланган қатламга етиб келиши кузатилди. Шимолий худуддаги дала тажрибаси тупроқларнинг 172-246 ва 246-285 см чуқурлигида дала нам сиғимидан бироз юқори бўлиб, сизот сувининг кўтарилиши билан тупроқ намлигининг ошишига сабаб бўлган.

Сизот сувларининг кўтарилиш тезлиги шимолий худуд тупроқларида анча юқори эканлиги аниқланиб, ғўзанинг суғориш тизимини аниқлашда алоҳида эътиборга олинганлиги келтирилган.

Ғўзани суғориш тизимига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши бўйича ўтказилган тадқиқотларда 2018 йили шимолий худуд тупроқларда гумус миқдори ҳайдалма қатламда 0,74 %, жанубий худуд тупроқларида 0,81 % ни ташкил этди. Тажриба ўтказилган тупроқларда умумий азот 0,048-0,071 %, умумий фосфор 0,164-0,198 % ва умумий калий 1,45-2,10 %, ҳаракатчан шакллари эса N-NO₃ 6,8-5,4 мг/кг, P₂O₅ 12,38-16,07 мг/кг, K₂O 164-208 мг/кг бўлиб, тажриба даласи тупроғи озика унсурлари билан кам даражада таъминланганлиги қайд этилган.

Тажриба ўтказилган тупроқнинг агрокимёвий хоссаларининг, фойдаланган минерал ўғитлар меъёри ва суғориш тартиби таъсирида ўзгариши ўрганилди.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғоришда тупроқдаги нитратли азот миқдори 0-50 см қатламда 10,54-12,80 мг/кг ни

ташкил этган бўлса, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % суғоришда 13,20-14,60 мг/кг бўлганлиги, яъни мақбул суғориш тартибида ўсимликлар томонидан ўзлаштириш ҳисобига сусайиб бориши кузатилган. Айниқса “Султон” ғўза навининг илдизи кенг майдонга тарқалиб, озика элементларидан самарали фойдаланиши аниқланган.

Тупроқларнинг иккиламчи шўрланишига суғориш тартибининг таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда, тупроқда асосан сувда эрувчи тузларнинг таркиби ўрганилган. Булардан зарарли NaCl , Na_2SO_4 , Mg_2SO_4 , ва зарарсиз $\text{Ca}(\text{HCO}_3)_2$, CaSO_4 тузларнинг ғўзани суғориш тартибига боғлиқ эканлиги аниқланган.

Ғўзани суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % ўтказилганда ва суғориш меъёри 1024-1164 м³/га, суғориш оралиғи 25-30 кун бўлган вариантларда, тупроқдаги ялпи тузлар миқдори 0,364-0,478 % бўлган бўлса, бунда ялпи зарарсиз тузлар миқдори 0,152-0,308 % ва зарарли тузлар миқдори 0,142-0,212 % бўлганлиги кўрсатилган. Суғоришни ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % суғориш олди тупроқ намлигида ўтказганимизда, суғориш оралиғи 16-18 кун бўлиб, суғориш меъёри 600-825 м³/га миқдорда бўлганда, ялпи тузлар миқдори 0,261-0,270 % га етиб, бу вариантларда иккиламчи шўрланиш кам даражада сақланиб турганлиги ва ғўза навларининг ўсиши, ривожланишига ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Ғўза навларини суғоришдан олдинги мақбул тупроқ намлигини ўзгариши бўйича ўтказилган тадқиқотлардан олинган маълумотларнинг 1.06 санасида шимолий худудда 0-100 см тупроқ қатламида 20,0 % бўлса, жанубий худудда 18,9 % бўлди. Демак жанубий худудда ғўзани суғориш анча эрта бошлашни талаб этганлиги келтирилган.

“С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” навлари экилган шимолий ва жанубий худуддаги дала тажрибаларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 ва 80-80-60 % бўлганда суғоришлар ўтказилди.

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % қилиб белгиланган вариантларда суғоришдан олдин тупроқни ҳақиқий намлиги 15,1 ва 14,5 % бўлса, ЧДНСга нисбатан 71,5 ва 68,7 % ни ташкил этди, демак белгилангандан 0,3 ва 0,5 % ортиқ бўлди, бу услубий жиҳатдан тўғри бўлиб ҳисобланади. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60% қилиб белгиланган вариантларда тупроқ намлиги 1,1-1,4 % ортиқроқ бўлганда суғоришлар бошланди.

“Султон” ғўза нави экилган вариантларда гуллаш-ҳосил тўплаш даврларида тупроқ намлиги жадал пасайиб бориши кузатилди. Ушбу ғўза нави бу даврида тез ўсиб ривожланиши натижасида, тупроқ намлигидан кўп фойдаланиши маълум бўлди. Шу билан бирга ёз ойларида жанубий худуддаги дала тажрибасида тупроқ намлиги тез пасайиб, 1-2 марта кўп суғоришни талаб этди. Ғўза навларининг пишиш даврида, суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 60 % бўлганда суғориш талаб этилмади.


Ғўзанинг “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” навларининг ўсиши ва ривожланиши даврида суғоришлар сони, муддатлари, бир марталаик ва мавсумий суғориш меъёрлари бўйича ўтказилган тадқиқотларда ғўза

навларининг биологик хусусиятларига ва тупроқ-иклим шароитларига боғлиқ ҳолда фарқ қилганлиги маълум бўлди.

Шимолий худуддаги ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида ғўза навларини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғорилганда 0-2-0 тизимида суғоришни талаб қилди ва суғориш меъёрлари 983-1191 м³/га ҳамда мавсумий суғориш меъёрлари 2020-2300 м³/га ни ташкил этди. Жанубий худуд тупроқларда ўтказилган тажрибаларда кўрсатилган тартибда суғоришда 1-2-0 тизимида суғориш ўтказилган ва ғўза гуллагунча бир мартаба суғоришни талаб этган. Суғориш оралиғи 26-30 кун бўлган. Шимолий худудда иккиламчи шўрланишга мойил тупроқларда тупроқ сув эритмаси концентрациясини пасайтириш учун суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % да суғориш ўтказилганда “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” ғўза навларида 1-3-0 тизимида суғоришни ўтказилиб, суғориш меъёри 600-891 м³/га ва мавсумий суғориш меъёри 2638-3015 м³/га бўлди.

Жанубий худуднинг шўр тупроқларида ўтказилган (2018-2020 йй.) тажрибаларда кўрсатилган тупроқ намлиги ва ғўза навлари 1-4-0 тизимида суғоришни талаб этди ва суғориш меъёри 640-890 м³/га ҳам мавсумий суғориш меъёри 3350-3930 м³/га бўлди. Демак жанубий худуд шароитида қўшимча бир-икки мартаба суғоришни талаб этганлиги кўрсатилган.

Ғўза навларини ўсиши ва ривожланишига суғориш тартибининг таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда “С-4727” ғўза нави ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда 1-3 августда бош поя баландлиги 78,3 см, ҳосил шоҳлари 9,4 ва кўсақлар сони 9,1 донани, “Чимбой-5018” навида тегишлича 80,6 см ва 9,9, 9,2 донани ташкил этиб, 70-70-60 % суғориш олди тупроқ намлигига нисбатан юқори бўлгани аниқланди. “Султон” ғўза навида мос равишда 83,9 см ва 10,1, 9,6 донани бўлганлиги келтирилган. Жанубий худудда ўтказилган тажрибада “С-4727” нави ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганда гуллаш-ҳосил тўплаш даврида ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % суғориш олди тупроқ намлигида суғорилганга нисбатан, бош поя баландлиги 5,9 см га, ҳосил шоҳлари 0,6 донага, кўсақлар сони 1,3 донага юқори бўлди.



1-расм. Шимолий худудда ғўза навларининг суғориш тартибига боғлиқ ҳолда ҳосилдорлиги (ўртача уч йилда)


Ўрганилган барча навлар учун мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % бўлиб, навлар орасида ўсиш, ривожланиш ва ҳосил тўплаш бўйича энг юқори кўрсаткич “Султон” навида олинганлиги келтирилган. Мақбул кўчат қалинлиги сақланди ва ўртача 80-85 минг туп/га бўлди.

Ўза навларининг ҳосилдорлигига суғоришдан олдинги тупроқ намлигининг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда, шўр ўтлоқи-аллювиал тупроқларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 % га нисбатан 80-80-60 % да суғорилган вариантларда гектаридан 2,5-3,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

Тадқиқотларда “С-4727”, “Чимбой-5018” ва “Султон” ўза навлари шимолий худуднинг шўр тупроқларида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 80-80-60 % да суғорилганда суғориш тизими 1-3-0 ташкил этди ва умумий суғориш меъёри 2638-2871 м³/га бўлиб, навлар бўйича ҳосилдорлик тегишлича 26,8, 29,7 ва 33,1 ц/га бўлди.

Жанубий худудда 1-4-0 тизимида суғориш талаб этилиб, умумий суғориш меъёри 3350-3845 м³/га бўлиб, навлар ҳосилдорлиги тегишлича 30,9, 30,2 ва 33,0 ц/га бўлгани келтирилган (2-расм).

